

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК.615.453.62*

**УСУББАЕВА ШАХНОЗА МУҲАММАДЖОНОВНА**

**РОМЕТИН ТАБЛЕТКАСИНИНГ ТАРКИБИНИ ТАНЛАШ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**


**5А 510603 Дориларнинг саноат технологияси**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**ф. ф. д., профессор Жалилов Х. К.**



**ТОШКЕНТ – 2013**

“ТАСДИКДАЙМАН”

Кафедра мудир

2013 й

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ  
БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент Фармацевтика институти ректорининг 2012й “\_\_” февраль\_\_  
сон буйруғи билан тасдиқланган

Дори воситаларини санъат тех. кафедраси бўйича  
Витамин таблеткасининг таркибини таъинлаш ва тех.  
магистрлик диссертациясининг номи

Нолмоннинг ишлаб чиқиш

мавзудаги магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар проф. Исмаилов Х.К.

бошчилигида

(илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси ва илмий унвони)

Шуббаева Шахноза

томонидан

(тингловчининг исми-фамилияси)

туғалланган ҳолда 2013 й “19” май да

ДВСТ

кафедрасига дастлабки химоя учун тақдим этилади.

Таъкидот ишида Витамин таблеткасининг таъкидот ишида ил-  
мий воситалар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишда  
адабиётларда келтирилган асос-усуллар ва  
технологик усуллардан фойдаланилади

Фармацевтика соҳаси, тиббиёт соҳаси бўйича чоп этилган адабиётлардан, замонавий усул  
ва услублардан ва х.к.)

Ишда ишлаб чиқиш таркиб, технология ҳақида  
стандартизация усуллари  
берилиши кўзда тутилади

Ишда куйидаги масалалар баён этилади:

1-боб Адабиётлар шарҳи. Интерферон индуктор  
(номи)

таърифи ва препаратлар таърифи  
2-боб Танриба витамин таблеткасини  
(номи)

таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш  
3-боб таблеткаларни сиратини баҳолаш,  
(номи)

стандартизация усуллари ва фармако-  
логик таъкидотлар.

(сана, ой, йил)

Илмий раҳбар проф. Ф.Ф.Д. Исмаилов Х.К.

(исми, фамилияси, илмий даражаси ва унвони)

Магистрант 2012 й “\_\_” февралда топшириқни қабул қилди.

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Факультет-- Саноат фармацияси  
Кафедра- Дори воситаларининг саноат  
технологияси

Магистр - Усуббаева Ш.М.  
Илмий раҳбар - Жалилов Х.К.

Ўқув йили - 2011- 2013

Мутахассислиги - Дори воситаларининг  
саноат технологияси

### МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маҳаллий фармацевтика бозорида грипп касаллигини олдини олиш ва даволашда ишлатиладиган тайёр дори турлари ассортиментини катта. Аммо, янги вирусга қарши импорт ўрнини босувчи биосамарадорлиги юқори, дори препаратларини яратиш ва маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ҳозирги замон фармация саноатининг долзарб муаммоларидан биридир.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Маҳаллий табиий бирикмалардан вирусга қарши кенг камровли, юқори самарадорликка эга бўлган “Рометин” фаол субстанциясидан таблетка дори турининг мўътадил технологияси ва сифат назорати усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек таклиф этилган таркиб ва технология асосида олинган таблетка дори турининг сифатини баҳолаш.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

“Рометин” фаол субстанциясининг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганиш; ёрдамчи моддаларнинг тури ва миқдорини танлаш, таблетканинг мўътадил таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш; таблеткаларнинг физик – механик кўрсаткичларини ўрганиш; “Рометин” таблеткасининг миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш; “Рометин” таблеткасининг ўзига хос таъсирини ўрганиш; таблетканинг сақлаш

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти вирусга қарши фаоллика эга “Рометин” субстанцияси.

**Тадқиқот услубияти ва услублари.** Тадқиқотлар адабиётларда келтирилган усулларда ўрганилди. Миқдорий таҳлил усуллари спектрофотометрик усуллари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.** бажарилган ишнинг илмий янгилиги олиб борилган тадқиқотлар асосида вирусга қарши таблетка таркиби ва технологияси яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.** Тавсия этилаётган таблеткалар учун саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияси таҳлил усуллари яратилди. Керакли МТХлар мажмуаси тайёрланиб ДВ ва ТТСНҚБ Бошқармасига топширилди.

**Иш тузилиши ва таркиби.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш 80 саҳифада, 10 та жадвал ва 1 та расмда олинган натижалар кўрсатиб ўтилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 155 та манбаларни ўз ичига олади.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари.** Субстанциянинг технологик хоссалари ўрганилди ва муайян таркиб ва рационал технология танланди.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.** Тавсия этилган таблеткалар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тавсия этилади.

Илмий раҳбар

Магистр



Жалилов Х.К

Усуббаева Ш.М.

# ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

Факультет-Промышленная фармация  
Кафедра – Промышленная технология  
лекарственных средств

Магистр – Усуббаева Ш.М.  
Научный руководитель – Джалилов Х.К.  
Специальность - Промышленная техно-  
логия

## АННОТАЦИЯ МАГИТРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

**Актуальность темы.** Местный фармацевтический рынок имеет большой ассортимент готовых лекарственных средств используемых для профилактики и лечение гриппа. Разработка технологии новых малотоксичных, импортозамещающих противовирусных препаратов и производство их местными фармацевтическими предприятиями является актуальной задачей современной фармацевтической промышленности.

**Цель и задачи работы.** Целью данной работы является разработка технологии и методов стандартизации таблеток «Рометин», на основе местных природных соединений имеющих широкий спектр противовирусной активности.

Для достижение поставленной цели были определены следующие задачи: Изучение физико-химических и технологических свойств субстанции «Рометин» при помощи методов приведенных в литературе; подбор вида и количество вспомогательных веществ; разработка оптимального состава и технологи таблеток; изучение физико-механических параметров таблеток; разработка методов стандартизации таблеток «Рометин»; изучение специфической активности таблеток «Рометин»; определение сроков годности таблеток.

**Объект и предмет исследований.** Объектом исследований является имеющая противовирусную активность субстанция «Рометина».

**Методы и методология исследования.** Научные исследование были проведены на основе методологии приведенных в литературных источниках. При разработке метода стандартизации были использованы спектрофотометрические и другие химико-аналитические методы.

**Степень научной новизны результатов исследование.** Научной новизной результатов исследований является разработка состава и технологии таблеток противовирусного препарата «Рометин».

**Практическая значимость и степень внедрения результатов исследование.** Разработана технология производства и методы стандартизации в промышленных условиях рекомендуемых таблеток. Разработана весь перечень НД и сдан для регистрации в Главное управление по контролю качество лекарственных средств и медицинской техники при Министерстве здравоохранение РУз.

**Структура и состав работы.** Диссертационная работа состоит из введение, трех глав, заключение и списка литературы. Работа оформлена на 80 страницах компьютерного текста. Полученные результаты приведены в 10 таблицах и 1 технологической схеме производство. Список использованной литературы включает в себя 155 источников.

**Основные результаты работы.** На основе изучение технологических свойств был подобран оптимальный состав и рациональная технология таблеток.

**Краткое заключение и рекомендации.** Технология разработанных таблеток будет рекомендовано местным производителям.

Научный руководитель, проф.  
Магистр

Джалилов Х.К.  
Усуббаева Ш.М.

## TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE

Faculty-industrial pharmacy  
Chair – Industrial technology of medicines

The master – Usubbayeva Sh. M.  
The research supervisor – Djalilov H.K.  
Specialty - Industrial technologiya

### SUMMARY OF THE MAGISTR DISSERTATION

**Relevance of a subject.** The local pharmaceutical market has the big range of finished pharmaceutical products used for prevention and flu treatment. Development of technology of new low-toxic, import-substituting antiviral preparations and production by their local pharmaceutical enterprises is an actual problem of modern pharmaceutical industry.

**Purpose and problems of work.** The purpose of this work is development of technology and methods of standardization of the tablets "Rometin", on the basis of local natural connections having a wide range of antiviral activity.

For achievement of a goal the following tasks were defined: Studying of physical and chemical and technological properties of Rometin substance by means of methods given in literature; selection of a look and quantity of excipients; development of optimum structure and technologists of tablets; studying of physicomachanical parameters of tablets; development of methods of standardization of the tablets "Rometin"; studying of specific activity of the tablets "Rometin"; definition of expiration dates of tablets.

**Object and subject of researches.** Object of researches is Rometina substance having antiviral activity.

**Methods and research methodology.** Scientific research were carried out on the basis of methodology given in references. When developing a method of standardization spektrofotometric and other chemical analysis methods were used.

**Degree of scientific novelty of results research.** Scientific novelty of results of researches is development of structure and technology of tablets of the antiviral preparation "Rometin".

**Practical importance and extent of introduction of results research.** The production technology and standardization methods in industrial conditions of recommended tablets is developed. All list of ND is developed and handed over for registration in Head department on control quality of medicines and medical equipment at the Ministry RUZ health care.

**Structure and work structure.** Dissertation work consists from the introduction, three heads, the conclusion and the list of references. Work is issued on 80 pages of the computer text. The received results are given in 10 tables and 1 technological scheme production. The list of the used literature includes 155 sources.

**Main results of work.** On a basis studying of technological properties the optimum structure and rational technology of tablets was picked up.

**Short conclusion and recommendations.** Technology of the developed tablets it will be recommended to local producers.

Research supervisor, prof.

Djalilov H.K.

Master.

Usubbayeva Sh. M.

## МУНДАРИЖА

	бет
КИРИШ ҚИСМИ .....	4
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	10
1. Интерферонлар индукцияси ва уларнинг ҳосил бўлиш механизми .....	10
2. Интерферон индукторлари.....	10
3. Интерфероннинг юкори молекуляр индукторлари .....	11
4. Интерфероннинг қуйи молекуляр индукторлари.....	12
5. Интерфероннинг ҳосил бўлиши ва таъсир механизми.....	13
6. Интерферон препаратларининг таснифи ва тавсифи.....	15
7. Таблетка дори шаклининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари.....	16
8. Таблетка технологиясида ишлатиладиган ёрдамчи моддаларнинг таснифи ва тавсифи.....	18
9. Таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш.....	26
Хулоса.....	29
ТАЖРИБА ҚИСМИ	
II БОБ. РОМЕТИН ТАБЛЕТКАСИНИНГ МЎЪТАДИЛ ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	30
1. Рометин субстанцияси ва ишлатилган ёрдамчи моддалар тавсифи .....	30
2. Рометин субстанциясининг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш.....	32
3. «Рометин» таблеткасининг мўътадил таркиби ва технологиясисини ишлаб чиқиш.....	35
4. «Рометин» таблеткасининг физик-механик кўрсаткичларини баҳолаш.....	42
Хулоса.....	44

III БОБ.	«РОМЕТИН» ТАБЛЕТКАСИНИ СТАНДАРТЛАШ, БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ ВА ТУРГУНЛИГИНИ ЎРГАНИШ	
	.....	45
1.	«Рометин» таблеткасини стандартлаш.....	45
2.	«Рометин» таблеткасининг микдорий тахлил усули.....	46
3.	«Рометин» таблеткасининг биосамарадорлигини «in vitro» тажрибаларида ўрганиш.....	49
4.	«Рометин» таблеткасининг фармакологик таъсирини ўрганиш .....	52
5.	Рометин таблеткасининг тургунлигини ўрганиш.....	56
Хулоса.....		64
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....		65
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....		66
ИЛОВАЛАР.....		81

## КИРИШ ҚИСМИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан аҳолини юкори сифатли, безарар ва етарли даражадаги самарали дори воситалари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий дори сиёсатида фармацевтика соҳасини ривожлантириш ва аҳолини дори таъминотини яхшилаш борасидаги ташкилий ва илмий-амалий тадбирлари белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг бой табиий захираларидан юкори самарали дори воситаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек Республика дори мустақиллигини таъминлаш, мамлакатимиз фармацевтика фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14-июндаги № ПҚ-416-сонли “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб қувватлаш чоралари тўғрисида” ги ва 2007 йил 19 ноябрдаги ПҚ-731-сонли қарорлари ҳам, маҳаллий фармацевтика саноати корхоналарини келгусида янада ривожланишини кўзда тутувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан янги, маҳаллий хом ашёлар асосида тайёрланадиган, юкори самарадорликка эга бўлган, безарар, импорт ўрнини босувчи дори воситалари технологияларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш, фармацевтика фанининг долзарб масаласи эканлиги кўзга ташланади.

Ҳозирги пайтда кенг тарқалган вирусли касалликларни олдини олиш ва даволаш учун янги доривор моддаларни ўсимлик моддалари орасидан кидириб топиш, амалиётга тадбиқ этиш, вирусология, амалий тиббиёт ва фармацевтик технология фанларининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Бу муаммоларни ечишда эндоген интерферон (ИФН) индукторларининг яратилиши янги ва долзарб йўналиш ҳисобланади. Интерферон индукторлари-кимёвий тузилиши турлича бўлган препаратлардан иборат бўлиб, иммунитетни модуловчи, радиопротектив, вирусли ва бактерияли, ҳамда саратон касалликларига қарши самарадорлиги билан умумий хусусиятга эгадирлар. Шулардан ўсимлик моддалари муҳим аҳамият касб этади. Улар амалий жихатдан хужайра ва бутун организмда гомеостазни сақлашга йўналтирилган кенг доирадаги назорат-бошқарув вазифасини бажарса, назарий жихатдан етарлича ўрганилмаган индукция механизми катта қизиқиш уйғотади. Ўсимлик моддаларининг нисбатан содда тузилганлиги ва улар устида турли кўринишдаги кимёвий модификацияни амалга ошириш мумкинлиги, уларнинг кимёвий тузилиши билан биологик фаоллиги орасидаги боғлиқликни аниқлашда қулай модел сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу изланишнинг долзарблиги ўсимлик моддаларининг янги ҳосилалари орасидан вирусларга қарши фаолликка эга, кейинчалик клиникада қўллаш учун яроқли, эндоген интерферон синтезини яратишга имкон берувчи янги интерферон индукторлари асосида дори шаклларини ишлаб чиқишга узвий боғлиқ.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти вирусга қарши фаоллика эга “Рометин” субстанцияси. Тадқиқотнинг предмети эса субстанциянинг ва прессланадиган массаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш, таблеткаларнинг тайёрлаш усуллари, сифатини назорат қилишдир

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги.** Республикамиз ҳудудида қўплаб ўсадиган ўсимликлардан ажратиб олинган бирикмалар – госсипол ҳосиласи мегасин ва поливинилпирролидон (ПВП) моддаси асосида интерфероннинг янги оригинал индуктори – “Рометин” дори моддасидан илмий асосланган таблетка дори шаклининг янги таркиби ва технологияси

ишлаб чиқиш. Рометин препаратини тўғри йўналтириш мақсадида уларнинг тажриба ҳайвонлари тана аъзоларида эндоген ИФН ҳосил қилиш ва индукция бўлиши муддатини узайтириш усуллари, ҳамда бир неча тажриба вирусли инфекцияларга қарши эмлаш ҳамда даволаш услубларида берилганда ҳам юқори фаолликни намоён қила олиши аниқланди. Олинган натижалар асосида Рометин таблетка дори шаклининг тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун (ВФМ) вактинча фармокопея мақоласи лойиҳаси тузилди.

**Илмий ишнинг амалий аҳамияти.** Ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалар, уларнинг ҳосилалари ва мураккаб анорганик бирикмалардан - Рометин оригинал препарати, вирусли инфекцияларга қарши кенг таъсир спектрига эга бўлган эндоген ИФН индуктори асосида таблетка дори шаклининг мўътадил таркиби ва технологияси ишлаб чиқилди.

Рометин 0,1 г дозадаги таблетка дори шаклининг тиббиёт амалиётга ва sanoat микёсида ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар акад. О. С. Содиков номидаги биоорганик кимё институти ходимлари билан ҳамкорликда ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига топшириш учун тайёрланмоқда.

**Ишнинг муҳокамаси.** Диссертация ишининг асосий мазмуни Тошкент фармацевтика институтининг «Фармациядаги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» илмий-амалий анжуманида (Тошкент, 2012); Тошкент фармацевтика институтининг «Профессор Маннон Азизов тавалудининг 100 йиллигига бағишланган талабалар жамиятининг аънавий 70 илмий анжуман материаллари» илмий-амалий анжуманида (Тошкент 2013) Дори воситаларини sanoat технологияси кафедрасининг илмий семинарида (баённома №24, 30.05.2013) муҳокама қилинди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тайёр дори турлари, хусусан таблеткалар технологиясини ишлаб чиқиш, дори воситаларини яратишда

якуний босқич ҳисобланади. “Рометин” Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган вирусга қарши кенг камровли таъсирга эга фаол субстанциядир. Ундан таблетка дори турларини яратиш борасидаги тадқиқотлар биринчи мартаба амалга оширилди. Тадқиқотларда субстанциянинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди ва бу кўрсаткичларга кўра, кейинчалик “Рометин” фаол субстанциясидан таблетка дори турларини ишлаб чиқишда тегишли ёрдамчи моддалар ва технологик усуллар танланди.

**Тадқиқот мақсади.** Маҳаллий табиий бирикмалардан вирусга қарши кенг камровли, юқори самарадорликка эга бўлган “Рометин” фаол субстанциясидан таблетка дори турининг мўътадил технологияси ва сифат назорати усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек таклиф этилган таркиб ва технология асосида олинган таблетка дори турининг сифатини баҳолаш.

**Тадқиқот вазифалари.** Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- “Рометин” фаол субстанциясининг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганиш;
- илмий асосланган ёрдамчи моддаларнинг тури ва миқдорини танлаш
- таблетканинг мўътадил таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;
- таблеткаларнинг физик – механик кўрсаткичларини ўрганиш;
- “Рометин” таблеткасининг миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;
- “Рометин” таблеткасининг ўзига хос таъсирини ўрганиш;
- таблетканинг сақлаш муддатини табиий ва «тезлаштирилган» усуллар ёрдамида белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига тақдим этиш учун, олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб, “Рометин” таблеткаси учун тегишли меъёрий-техник хужжатлар мажмуасини тайёрлаш.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларда субстанциянинг ва прессланувчи массаларнинг технологик хоссалари, шунингдек таблетканинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда физик, физик-кимёвий ва технологик усуллар қўлланилди. Хусусан, кукунсимон фаол субстанциянинг технологик хоссаларини ўрганишда 545 АК-3, ВП-12 А асбоблари ва таблеткаларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганишда ХІ ДФ ва бошқа Халқаро фармакопеларда тавсия этилган методлар қўлланилди.

Таблетка таркибидаги таъсир этувчи ва бошқа моддаларнинг чинлиги ва миқдорини баҳолаш учун ФЭК, СФ ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

### **Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- “Рометин” фаол субстанциясининг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини текшириш натижалари;
- таблетка дори турларини тайёрлашда ёрдамчи моддалар танлашнинг ўзига хос жиҳатлари;
- прессланадиган массанинг технологик хоссалари ва олинган таблетканинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи технологик омиллар: ёрдамчи моддалар, технологик услублар ва бошқаларнинг таъсирини ўрганиш натижалари;
- яратилган таблетка дори турининг сифат назорати натижалари;
- таклиф этилаётган таблетка дори турларининг ўзига хос таъсирини ўрганиш;
- таблеткаларнинг сақланиш шароитлари ва турғунлигини ўрганиш натижалари;
- атрофлича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида таклиф этилаётган юқори биосамардорликка эга бўлган таблетка дори турларининг мўътадил таркиби ва технологияси.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Атрофлича амалга оширилган физик-кимёвий, технологик ва биофармацевтик тадқиқотлар натижасида биринчи мартаба “Рометин” нинг 0,100 г таблеткасининг илмий жиҳатдан

асосланган мўътадил технологияси, шунингдек сифат назорати усуллари ишлаб чиқилди.

Таклиф этилаётган таблетка дори турларининг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатларига ташқи муҳит таъсирини табиий ва “тезлаштирилган” усулларда ўрганиш натижасида мақсадга мувофиқ бўлган технологик омиллар мажмуаси ва яроқлилик муддатлари белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Табиий хом ашёлардан тайёрланган вирусга қарши биологик фаолликка эга бўлган “Рометин” фаол субстанциясидан 0,1 г дозада юқори биосамардорликка эга бўлган таблетка дори турининг мўътадил технологияси ишлаб чиқиш.

Тиббиётда қўллашга руҳсат олиш олиш учун, ишлаб чиқилган таблеткаларга Вақтинчалик Фармакопея мақолалари ва тегишли МТХ лар ССВ ДВТТСНҚ Бош бошқармасига тақдим этиш учун тайёрланди.

Яратилган таблетка дори тури учун Давлат Стандартлари – фармакопея мақолалари, Вақтинчалик Фармакопея мақолалари ва бошқа МТХ лар тузилиб, тегишли тарзда синовдан ўтказилди.

Яратилган таблетка дори турларининг технологияси ва сифат назорати усуллари “Ўзкимёфарм” ОАЖ да, Тошкент фармацевтика институти Дори воситаларини стандартлаш илмий марказида муваффақиятли синовдан ўтди.

**Натижаларнинг чоп этилганлиги.** Диссертация иши бўйича 3 та маърузалар тезиси чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 80 саҳифадаги компьютер матнида ёзилган бўлиб, кириш, 1-бобда адабиётлар шарҳи, 2 ва 3 бобларда тажрибалар натижалари, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар баён этилган. Диссертацияда 1 та схема 10 та жадвал келтирилган. Фойдаланилган илмий адабиётлар маънбайи 155 та.

# Ї БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

## 1. Интерферонлар индукцияси ва уларнинг ҳосил бўлиш механизми

Интерферонлар яллиғланишга қарши носпецифик фаолликка эга бўлган гликопротеинлар бўлиб, умурткалилар ҳужайраларида синтезланувчи оксиллардир [72,75]. ИФНлар кенг доирадаги табиий ва синтетик моддаларнинг индукцияси натижасида *in vitro* ва *in vivo* шароитида синтез бўлади. ИФНларни тадқиқ қилиш натижасида, уларнинг антипролифератив, вирусга қарши, иммуномодуловчи ва радиоҳимояловчи хусусиятлари аниқланган [25,26]. ИФНлар алоҳида вирусга қарши моддалар оиласига мансуб бўлмаган, эукариотик ҳужайралардаги молекуляр жараёнларни назорат қилувчи кенг камровли тизимнинг бир қисмидир [76].

ИФН тизимида учта асосий бўғинни схематик тарзда кўрсатиш мумкин. Булар: а) ИФН индукцияси; б) синтезланиши ва в) унинг таъсир этиши (вирусга қарши ва вирусга қарши бўлмаган таъсирлар). Аввалги икки бўғин ИФН тизими учун умумий бўлиб, биз улар ҳақида кенгрок тўхталамиз.

## 2. Интерферон индукторлари.

Ҳозирги кунда маълум бўлган ИФН индукторларини табиий ва синтетик синфларга бўлиш мумкин. Ўз навбатида табиий бирикмалар синфига мансуб ИФН индукторларини вирус табиатли ва бу табиатга эга бўлмаган гуруҳга, синтетик ИФН индукторларини эса қўйи молекуляр ва юқори молекуляр бирикмалар гуруҳига ажратиш мумкин [27].

ИФН индукторларига қўйиладиган асосий талаблар: а) препаратни организмга перорал ёки ректал йўл билан юборилганда юқори фаол ИФН ҳосил қила олиши; б) антиген ва тератоген хусусиятларининг бўлмаслиги; в) препаратларнинг захарлилигини камайтириш ва биологик фаоллигини оширишга қаратилган максалди модификациялаш имкониятининг мавжудлиги; г) юқори тозаликда ва нисбатан арзон индуктор синтез қилиш усулининг ишлаб чиқилганлигидир [59, 60].

Вирусларнинг деярли барчаси (ОИТС ва гепатитдан ташқари) мос шароит танланганда ИФН индукциялаш хусусиятига эга. Организмда қайси турдаги ИФН

нинг ҳосил бўлиши хужайра ва вируснинг турига, вируснинг фаоллиги, таъсир этиш (апликация) усули ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Вирусли ИФН индукторларига юқори фаолликка эга бўлган паромиксовируслар (Ньюкасл касаллиги вируси ҳамда Сендай вируси) ва альфа вируслар (Венесуэла отларнинг энцефалити) саналади [67]. Вируслар синфига мансуб бўлмаган табиий индукторларга турли микроорганизмлар, грамманфий ва содда бактериялар, хламидиялар, эрувчи антигенлар, эндотоксинлар, маннонлар, оксиллар, замбуруғлар, микроблар ҳамда айрим ўсимликларнинг экстрактлари мисол бўла олади [80,81].

### 3. Интерфероннинг юқоримолекуляр индукторлари.

Юқоримолекуляр ИФН индуктори сифатида табиий (натив) ҳолдаги икки занжирли РНК ни ва инфекцияланмаган хужайраларнинг РНКларидан ташқари қатор вирус ҳамда фагларнинг репликатив шаклидаги РНК ларни мисол келтириш мумкин. Масалан, *E. coli* бактериясидан ажратилган амбер мутант фагнинг репликатив РНКси, тажрибавий ҳайвонлар ва бактерия культураларининг юқори ИФН индукциялаш, яллиғланишга ва вирусга қарши фаоллик намоён қилиши аниқланган [90,93].

Кучли ИФН индукторлари ва вирусга қарши фаолликка эга бўлган шу гуруҳдаги моддалардан бўлмиш полирибоинозин (поли(И)) ва полирибоцитидил (поли(Ц)) кислоталари, бугунги кунда  $\alpha$ - ва  $\beta$ -ИФН индукторлари учун эталон сифатида қўлланилади. Полирибогуанил (поли(Г)) кислотаси комплекс ҳосил қилиш фаоллиги бўйича поли(И) ва поли(Ц) га тенг, лекин кам захарлилиги туфайли уларнинг даволаш индекси 10-20 марта юқоридир [72]. Полинуклеотидлар бошқа ИФН индукторларидан фарқли ўлароқ, кичик дозада бир марта юборилганда, вирусга қарши давомий (5-6 кун) ва яққол ИФН индукциялаш хусусиятига эга.

Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда, поли(И) ва поли(Ц) кон зардоби нуклеазалари таъсирида тез парчаланиши аниқланган ва бу муаммони ҳал этиш мақсадида поли(И) ҳамда поли(Ц)ларнинг L-лизин ва карбоксиметилцеллюлоза асосида экранланган ҳосилалари олиниб текшириб кўрилганда, бу ҳосилалар ИФН

индукциялаш ва вирусга қарши фаоллиги самараси бўйича поли(И) ва поли(Ц)дан яққол устун экани кўрсатилган [52].

Тадқиқотлар жараёнида молекуляр оғирлиги 10 kDa дан юқори, барқарор икки занжирли конфигурацияга эга, ҳароратга ва нуклеазалар таъсирига чидамли, тартибли учламчи тузилишга ҳамда 2'-гидроксил гуруҳ тутган полинуклеотидларнинг юқори биологик фаоллик намоён этиши аниқланган [66]. Бундан ташқари, полинуклеотидлар радиохимояловчи таъсирга, рақ шишларнинг ўсишини ва метастаза жараёнини тўхтатиши, ҳужайраларнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -ИФН га таъсирчанлигини ошириш, ҳужайра ичида оксил синтези тизимини қувватлаб, ҳужайра мембраналари билан фаол таъсирлашиш каби хусусиятларга эга [82].

Демак, юқорида келтирилган маълумотлар синтетик полинуклеотидларнинг аҳамиятини янада оширади, аммо бундай препаратларни олиниш технологияси билан боғлиқ бир қатор мураккаблиқлар ва айрим иқтисодий сабаблар уларнинг амалиётда қўллаш доирасини чегаралайди.

#### **4. Интерфероннинг қуйимолекуляр индукторлари.**

ИФН нинг қуйимолекуляр индукторлари устида изланишлар олиб бораётганда, уларнинг юқори даволовчи индексга эга бўлиши, давомий таъсир этиши, нисбатан арзонлиги, кимёвий жиҳатдан барқарорлиги ҳамда перорал ёки ректал усулда қабул қилиниши каби хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Шунини айтиш лозимки, ҳозирда мавжуд бўлган препаратларнинг ҳеч бири юқорида санаб ўтилган талабларга тўлиқ жавоб бермайди ва шу туфайли сўнгги йилларда қуйимолекуляр ИФН индукторлари тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ жалб этмоқда. Бу препаратларнинг юқоримолекуляр табиий ва синтетик бирикмалардан устунлиги ҳайвон организмида ИФН индукциялаб, вирусга, яллиғланишга ва раққа қарши фаолликни намоён этиши, биологик суюқликларда яхши эриши, антиген таъсири йўқлиги ва организмдан осон чиқарилишидир. Бундан ташқари, бу синфга мансуб препаратлар ИФН индукцияси учун махсус, юқори сезгирликка эга бўлган ҳужайра тизимини танлаб олишни талаб этмайди [90].

Маълумки, таркибида ароматик халқа тутган полимер бирикмалар [87,88], алифатик аминлар табиий полифенол бирикмалар ҳамда айрим металлларнинг комплекслари хайвон организми ва хужайра културасида вирусга қарши ва ИФН индукциялаш хусусиятини намоён этади. Юқори самарали  $\alpha$ - ва  $\beta$ -ИФН индуктори “Амиксин” нинг очилиши, қуйимолекуляр ИФН индукторлари устида изланишларнинг кенгайишига сабаб бўлди [78, 79] ҳамда ўзида алифатик, ароматик ва гетероҳалқали ўринбосарлар тутган моддаларнинг ўнлаб ҳосилалари синтез қилинди [86,87] Шунингдек, ИФН индукциялаш хусусиятини намоён этган дипиридамомл, циклоферон, пурин ва унинг ҳосилалари, полифенол бирикмалар, ГК ҳамда бошқа бир қатор қуйи молекуляр бирикмалар устида изланишлар олиб борилди [75,134,135,136]. Олинган натижалар, айрим гуруҳлар, боғлар ва гетероатомларнинг қуйимолекуляр ИФН индукторларида жойлашишига қараб, уларнинг ИФН индукциялаш фаоллиги ортиши мумкинлигини кўрсатди [129,136, 137]. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра хотима қилиб шунни айтиш мумкинки, ИФН индукторларининг биринчи клиник синовларида бир қатор ижобий натижаларга эришилди ва бу препаратларни вирусли инфекцияларга қарши тиббий восита сифатида қараш имкониятини берди. ИФН индукторларини тиббий амалиётга қўллаш муаммоси яқин келажакда одам ИФН оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйилган тақдирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки, олиб борилган тадқиқотларда эндоген ИФН вирусли касалликлардан химоялаш самарадорлиги, экзоген ИФН га нисбатан устунроқ экани маълум [128,130,135,140].

## **5. Интерфероннинг ҳосил бўлиши ва таъсир механизми.**

ИФН индукцияси ва ҳосил бўлишини умумий тарзда қуйидагича тасвирлаш мумкин: ИФН индуктори ва хужайра орасидаги таъсир оқибатида ИФН учун оператор-геннинг депрессияси юзага келади ҳамда полисомаларда унинг транскрипцияси натижаласида ҳосил бўлаётган ИФН хужайра тарафдан хужайралар орасидаги бўшлиққа ажратиб чиқарилади [142,143]. Бунда, индуктор киритилган вақтдан бошлаб аниқланадиган миқдордаги ИФН ҳосил бўлгунча ўтган вақт индукция фазаси бўлиб, у одатда 1-8 соатни ташкил этади. Индукция фазаси -

индуктор ва ҳужайра орасидаги таъсирлашув вақтидан бошлаб, ИФН учун генетик материал транскрипцияси бошлангунга қадар юз берадиган барча жараённи ўз ичига камраб олади.

Ҳосил бўлиш фазаси - ИФН синтез бўлиши ҳамда унинг максимал миқдорга кўтарилиши билан характерланиб, кўп ҳолларда бу жараён қисқа вақт оралиғида содир бўлади, ва ҳосил бўлиш жараёнда ИФН учун информацион РНК транскрипцияланади, ҳамда унинг трансляцияси натижасида секретцияланган ИФН ҳужайрадан ташқарига чиқарилади [145,156].

Индукторлар таъсирлашадиган ҳужайра тизимлари ва индукторларнинг ҳилма-ҳиллиги, ўз навбатида ИФН генларининг кўплиги ҳақида тахмин қилиш имконини беради ва бундай қарашлар бир қатор тадқиқотчилар томонидан исботланган [14,16].

Шундай қилиб, келтирилган адабиётлар шарҳи уч бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимида НЯҚП ларнинг синфланиши, таъсир қилиш механизмлари, уларнинг даволашдаги самарадорлиги ва салбий таъсирлари атрофлича таҳлил этилди. Иккинчи бўлимда ГК ва унинг ҳосилалари, уларнинг биологик фаоллиги ҳақида, ва ниҳоят учинчи бўлимда ИФН индукторлари, ИФН нинг ҳосил бўлиши ва унинг таъсир механизми ҳақида маълумотлар келтирилди.

Келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, НЯҚП ларнинг ульцероген таъсирини йўқотиш бевосита бу препаратларнинг сувда эрувчанлик хусусиятларини ошириш билан боғлиқ бўлишидан ташқари таъсир этувчи моддани транспорт воситаси ҳам ўзига хос биологик фаол хусусиятларга эга бўлиши керак. Чунки, натижада синергетик эффект ҳосил бўлиши ва олинган супрамолекуляр комплекс кичик дозаларда юқори самарадорлик кўрсатиши мумкин.

Ҳозирда дори воситалари асосида молекуляр комплекслар олиш янги дори шаклларни яратишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки комплекс препарат мембранадан ўтишини таъминлаб, дастлабки босқичдаги метаболизмга учрашдан сақлайди. Агар кўплаб маълум дори воситалари ва бошқа биологик фаол моддалар учун комплекс ҳосил қилувчи агент сифатида 18-β-ГК таклиф қилинганини [14,16,25,26] эътиборга олсак, ГКМАТ ва НЯҚП ларнинг

супрамолекуляр комплексларини олиб, улар асосида турли хил янги дори шаклларни яратиш, НЯҚП ларнинг тиббий амалиётда қўлланилиш доирасини янада кенгайтиради ва юқори сифат босқичига олиб чиқади[27,34].

## 6. Интерферон препаратларининг таснифи ва тавсифи.

Хозирги вақтда интерферонни бир қанча паст молекуляр индукторларини (тилорон, циклоферон, бендазол, дипиридамомл) қўллаш самарали эканини кўрсатади. Бу охириги икки прапарат вазодилататор сифатида қўлланилади.

Интерферон вирусларни бўлинишини тўхтатиб, иммун тизимини фаолиятини оширади ва касалликнинг олдини олади [73,76,109].

*Тилорон (Амиксин)* интерферонни паст молекуляр индуктори хисобланиб, грипсни профилактика қилишда ва даволашда, бошқа ЎРВИ касалликларида қўлланилади.

*Циклоферон* вирусга қарши таъсирга эга бўлиб, интерферонни ажралишини меъёрлаштиради. Кам захарлилиги билан ажралиб туради. Кунига 0,3-0,6 мгдан овқатдан 30 дақиқа олдин 12 кун давомида ичилади.

*Дипиридамомл (Курантил, Персантин, Парседил)* - интерферон индуктори бўлиб, плацебо-назорат изланишлари кўрсатишича, препарат ЎРВИни даволашда 90% самарали натижа беради [34,100]. Бу препаратни ножўя таъсири бошқа препаратларга нисбатан кам бўлиб, у хам бўлса препаратни кўтара олмасликдир. Препаратни узоқ вақт қўллаганда юрак ишемик касаллиги бор одамларда коронар бузилиш синдромини чакириши мумкин. Лекин буни фақат вена орқали юборгандагина кузатиш мумкин. Тавсия дозаси: оч қоринга эрталаб 50 мг, 2 соатдан сўнг яна 50 мг сув билан ичилади. Препарат бир ярим ой давомида ҳафтасига бир марта қабул қилинади [77,110].

Интерферон аллерген бўлмагани учун ген инженериясида интерферонни рекомбинантланган препаратлари қўлланилади.

Сўнгги йилларда фармация бозорига интерферонни рекомбинантланган препаратлари кириб келмоқда. Бу препаратлар ўзида интерферонни юқори дозасини (3-5 млн. бирлик ва ундан юқори) сақлайди ва склероз, ВИЧ, грипп ва бошқа турдаги оғир вирус касалликларини даволайди.

*Виферон* ўз таркибида альфа-2 интерферон сақлайди, гриппни профилактика қилишда ва даволашда қўлланилади. Ректал суппозиторий (кунига бир маҳал) кўринишида бўлиб, таркибида ёшга боғлиқ холда интерферонни хар хил дозаларини сақлайди.

*Гриппферон* 1 мл да 10000 ЕД альфа-2 интерферон сақлайди. Бурунга юборишга мўлжалланган эритма ҳолида чиқарилади. Профилактика самараси 87% ни ташкил этади [77,79,80]. Гриппферон таркибига шишга қарши воситалар киргани учун, уни қўллаётган вақтда нафтизин, санорин, галазолин дори препаратларини қўллаш ман этилади.

## **7. Таблетка дори шаклининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари**

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дорилар ичида тайёр дори воситаларининг улуши 73% ни ташкил этади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса бу кўрсаткич 90% дан ошиб кетди ва ривожланган хорижий мамлакат кўрсаткичларига тенглашиб қолди. Лекин бу кўрсаткич асосан четдан келтириляётган тайёр дори воситалари ҳисобига эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон ҳукумати тайёр дори воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммосини хал қилишда катта амалий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамиз фармацевтика саноати томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр дори шакллари орасида таблетка дори шакли етакчи ўринни эгаллайди. Таблеткалар бошқа тайёр дори турларига нисбатан кенг тарқалганлигига сабаб, ўзининг иқтисодий самарадорлиги, ишлаб чиқаришнинг кенг камровлилиги, дозаларга бўлинганлиги, тургунлиги, ички омилларга кам таъсирчанлигидадир[57,60].

Ҳозирги вақтга келиб, таблеткалар ёки бошқа дори турларини таркиби бир хил моддadan иборат бўлган, мавжуд стандарт талабларига жавоб берадиган, аммо ишлаб чиқариш турлича бўлган дориларни самарадорлиги ҳам турлича бўлиши исботланган. Таблеткаларда бу ҳолатни асосий сабаблари тайёрлаш технологиясини ҳар хиллиги, физик – кимёвий хоссаси ва ёрдамчи моддалар миқдори, каттиқлиги ва парчаланишидадир. Дориларни ажралиб чиқиш тезлиги терапевтик самарадорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шуларни инобатга олган ҳолда таблеткаларни учта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- бутунлигича қўлланиладиган таблеткалар. Буларга қобикли таблеткалар ва нохуш ҳид ва таъмга эга бўлган таблеткалар ҳамда оғиз бўшлигида сўриладиган таблеткалар киради.
- Сувда эритиш йўли билан қўлланиладиган таблеткалар;
- Майдаланиб қўлланиладиган таблеткалар
- Шимиб қўлланиладиган таблеткалар
- Чайнаб қўлланиладиган таблеткалар
- Инъекция учун қўлланиладиган таблеткалар
- Тил ости орқали қўлланиладиган таблеткалар[30,31,32].



## 8. Таблетка технологиясида ишлатиладиган ёрдамчи моддаларнинг таснифи ва тавсифи

Таблетка ишлаб чиқаришда турли хил хоссага эга бўлган ёрдамчи моддалар ишлатилади. Таблетка технологиясида 90% дан кўпроқ ҳолатларда у ёки бу ёрдамчи моддалар ишлатилади. Фақат айрим ҳолатлардагина тўғридан-тўғри пресслаб таблетка олиш имконияти бўлган моддаларга ёрдамчи моддалар ишлатилмаслиги мумкин.

Улар ўз табиатига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

1. Табиий органик моддалар. Уларга канд, глюкоза, сут қанди, ксилит, маннит, агар-агар, крахмал, коллаген ва бошқалар кирди.
2. Сунъий полимерлар. Буларга целлюлоза ва унинг ҳосилалари: МЦ, ЭЦ, Na-КМЦ, МКЦ, АФЦ, МФЦ, сувда эрийдиган АЦ, ПВП, ПВС, ПЭО-400, ПЭО-2000 ва бошқалар.
3. Минерал моддалар. Буларга магний карбонат, магний оксид, кальций карбонат, натрий фосфат, кальций гидрофосфат, натрий хлорид, кальций сульфат, барий сульфат, алюминий гидроксид, стеарин кислота, унинг кальцийли ва магнийли тузлари, аэросил, тальк, бентонит, ок гил ва бошқалар.

Таблетка ишлаб чиқариш амалиётида ишлатиладиган ёрдамчи моддалар сони собиқ Иттифоқда шу жумладан бизда нисбатан кам бўлган. Адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда умумий сони 200 турдан ошмаган, шулардан 70 хил ёрдамчи моддалар давлат рўйхатига киритилган. Бу кўрсаткич жаҳон фармацевтика амалиётда ишлатилаётган ёрдамчи моддаларни 40% ни ҳам ташкил қилмайди. Шу сабабли таблетка технологиясида мақсадга мувофиқ ёрдамчи моддаларни танлаш ва амалиётга татбиқ этиш кийин муаммолардан бўлиб қолмоқда. Чунки ёрдамчи моддалар тури канчалик кўп ва етарли миқдорда бўлса, уларнинг ёрдамида ижобий технологик хоссаларга эга бўлган массадан сифатли таблетка олиш имконияти кўпроқ бўлади. Бу нуқтаи-назардан қараганда хорижий

мамлакатларнинг фирмалари бу соҳада анча олдинда туради. Ғарбий Европа ва шимолий Америкадаги 450 фирмада 2500 хилда ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарилмоқда[29,30,31,88].

Фақат АҚШ нинг ўзида 186 фирма 1040 турда ёрдамчи моддаларни, Германиянинг 137 фирмаси 931, Англиянинг 56 фирмаси эса 250 турдаги ёрдамчи моддаларни ишлаб чиқаради. Республикамизда ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарадиган корхоналар деярли йўқ. Шу сабабли таблетка ишлаб чиқаришда асосан озиқ – овқат маҳсулотларидан канд, сут канти, желатин, крахмал ва глюкозадан фойдаланилади. Фармацевтика корхоналарида ишлатиладиган бу маҳсулотларнинг миқдори 0,03 – 0,06% ни ташкил қилади. Шу сабабли тиббиёт эҳтиёжини қондирадиган, фармацевтика саноати учун бозор иқтисодиёти даврида махсус ёрдамчи моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил қилиш иқтисодий томондан ўзини оқламайди. Кейинги йилларда республикамизда ёрдамчи модда сифатида дока чиқиндисидан олинган МКЦ “Интроцел” ва пахта целлюлозасидан олинган МКЦ ларга таблетка амалиётида ёрдамчи модда сифатида ишлатишга рухсат этилган. Республика олимларини кальций карбонат, модификацияланган МЦ, МКЦ, ВРАЦ (суда эрийдиган ацетилцеллюлоза), маҳаллий хом ашёлардан олинган стеарин кислотаси, унинг кальцийли ва магнийли тузларини таблетка технологиясида қўллаб ижобий, натижаларни қўлга киритганлар. Бу ёрдамчи моддаларнинг ижобий технологик хоссаларини инобатга олиб, тезроқ таблетка амалиётига татбиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кальций карбонатнинг тўлдирувчи сифатида ишлатилиши кўп жихатдан тайёрланган прессланадиган массанинг технологик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади. Улардан сочилувчан зичлиги кичик бўлган моддалардан таблетка олишда, таблетка машинасини бир меъёردа ишлашини таъминлашда, пресслаш жараёнида ишқаланишни камайтириш, таблеткани суюкликда парчаланишини таъминлаш учун фойдаланиш мумкин.

Адабиётларда магний оксиди ва магний карбонатлар ёрдамчи модда сифатида таблетка технологиясида ишлатилганлиги ҳақидаги

маълумотлар жуда кам учрайди. Бунинг асосий сабани, уларнинг бетараф эмаслиги деб тушунтирилади. Ҳақиқатан ҳам димедрол таблеткаси таркибига магний карбонат қўшиб тайёрланганда, унинг турғунлигига салбий таъсир кўрсатган, магний ва кальций гидрофосфат ишлатилганда эса таблетканинг сифат кўрсаткичлари яхшиланган[37,41,42].

Ҳозирги вақтда турли хил хом ашёлардан олинган микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) тиббиётда кенг қўламда ишлатилмоқда, шу жумладан фармацияда. МКЦ рангсиз, кимёвий бетараф, организмга мутлако сўрилмаслиги учун кўпчилик олимлар таблетка технологиясида ишлатишга тавсия этганлар. Бунда ишлатилаётган МКЦ нинг ўзига хос технологик хоссалари борлигини инобатга олиш лозимдир. Ишлатилаётган МКЦ нинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари кўп жихатдан хом ашё турига, сифатига, технологик жараёнга, гидролиз учун ишлатилган кислота турига ва тайёр маҳсулотнинг дисперс даражасига боғлиқ бўлади [ 17,18,37,42].

“Техноцелл” фирмаси мутахассислари дока чикиндисидан МКЦ “Интроцел” ни ишлаб чиқиш технологиясини таклиф этдилар ва у таблетка амалиётида ёрдамчи модда сифатида ишлатишга татбиқ қилинди. Ўзбекистон республикаси полимерлар физика-кимёси илмий текшириш институти олимлари пахта целлюлозасидан МКЦ олишни таклиф этдилар ва тиббиётга татбиқ қилдилар [30,31,32,37,42].

Ёрдамчи моддалар дори шаклининг таркибий ва зарурий қисмидир. Замонавий дори препаратларини яратишда фақатгина фаол субстанциянинг хоссаларигина муҳим бўлмасдан, балки илмий асосда танланган ёрдамчи моддаларнинг хоссалари ҳам катта аҳамиятга эга. Ёрдамчи моддалар дори препаратига маълум бир терапевтик самарадорлик, барқарорлик, шакл беришга хизмат қилади. Биофармацевтик нуктаи назардан ёрдамчи моддалар дори препаратларнинг фармакологик таъсирини, фармакокинетик хоссаларини таъминлаши зарур. Шунингдек, улар дори препаратларининг мазасини, рангини, ҳидини яхшилаш учун ҳам ишлатилади. Бу айниқса

болалар ва қариялар фармакотерапиясида муҳимдир [23,24,37,42,147,148,150,151].

Турли мақсадларда қўлланиладиган дори шаклларини яратишда ишлатиладиган одатдаги ва янги ёрдамчи моддаларнинг хилма-хиллигига қарамасдан уларга қўйиладиган талаб бир хилдир. Улар захарсиз, организмда аллергия чақирмаслиги ҳамда минимал дозадаги фаол субстанциясининг таъсирини тaminлаши, фаол субстанция, бошқа ёрдамчи моддалар ва кадокловчи материаллар билан реакцияга киришмаслиги, дори препаратининг органолептик хоссаларини бузмаслиги зарур. Ёрдамчи моддалар берилган дори шаклига маълум бир шакл, қаттиқлик ва дeгpадацион хоссалар бeриб, уларнинг сифати барқарор ва тегишли меъёрий техник ҳужжатларига жавоб бeриши керак. Бундан ташқари ностерил дори препаратларига қўйилган янги микробиологик тозалик талабларига биноан уларни ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ёрдамчи моддалар ҳам шу талабларга жавоб бeриши ва осон стерилланадиган бўлиши зарур. Ёрдамчи моддаларнинг таблетка ишлаб чиқаришдаги аҳамияти каттадир. Улар прeссланадиган массанинг технологик хоссаларини яхшилаш билан бир қаторда, таблетканинг аниқ дозаланиши, қаттиқлиги ва парчаланишини таъминлайди. Таблетка тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар қўлланилишига кўра асосан тўлдиpувчилар, ғовакловчилар, боғловчилар ва антифpикцион моддаларга турлансада, бу қаторни стабилизаторлар, консервантлар, бўёвчи моддалар, кобикловчи моддалар, корригентлар каби гуруҳлар билан ҳам тўлдиpиш мумкин [151,152,153].

Тўлдиpувчилар. Таблетка технологиясида таблеткага маълум бир оғирлик, шакл бeриш учун тўлдиpувчи моддалар қўлланилади. Танланган тўлдиpувчи модда одам организми учун бетараф ва таъсир этувчи фаол субстанция билан кимёвий реакцияга киришмаслиги, индиферент бўлиши керак. Тўлдиpувчи сифатида канд, крахмал, глюкоза, сахароза, каолин, декстрин, амилопектин, глицин, сут қанди, кальций карбонат,

микрoкpисталлик целлюлоза (МКЦ), маннит, ксилит, магний оксиди, иккиламчи кальций фосфат, магний карбонат ишлатилади. Ҳозирги фармацевтика саноатида кенг миқёсда қўлланиладиган табиий полисахаридлардан бири микрoкpисталлик целлюлоза бўлиб, у ижобий физик-кимёвий ва биологик хоссаларга эга, шунингдек унинг хом ашёси табиатдан олинади. Шу сабабли уни дока чиқиндисидан ишлаб чиқариш технологияси республикамиздаги “Техноцелл” фирмаси томонидан йўлга қўйилди [29,45,56].

Демак, тўлдирувчилар таблеткаларга маълум оғирлик бериш билан бирга прессланидиган массанинг технологик хоссаларини яхшилайти, бу эса сифатли таблетка олишни кафолатлайди.

Боғловчи моддалар. Боғловчи моддалар прессланувчи массанинг сочилувчанлиги ва прессланувчанлигини яхшилаш, шунингдек таблеткаларга маълум бир каттиклик бериш учун қўлланилади. Боғловчи моддалар боғлаш хоссасига эга бўлиши, таблетка парчаланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги, организм учун мутлако безарар ва арзон бўлиши лозим. Боғловчи моддалар курук ва суюқ бўлади. Курук боғловчи моддаларга полиэтиленоксид, поливинилпирролидон, амилаза, полиэтиленгликоль, микрoкpисталлик целлюлоза, “таблетол”, β-циклодекстрин ва хакозолар киради. Курук боғловчи моддалар таблетка технологиясида катта амалий аҳамиятга эгадир, аммо уларни мураккаб таркибларга ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Таблетка ишлаб чиқаришда асосан суюқ боғловчи моддалар ишлатилади. Суюқ боғловчи моддалар хусусиятларига қараб намловчи ва боғловчи деб юритилади. Намловчиларга тозаланган сув, хар хил концентрацияли этил спирти, боғловчиларга эса желатин, натрий карбоксиметилцеллюлоза (Na КМЦ), альгин кислотаси, оксипропилметилцеллюлоза (ОПМЦ), крахмал, канд эритмалари, сувда эрийдиган целлюлоза хосилалари, табиий елим, поливинил спирти, поливинилпирролидон ва хоказолар киради. Гигроскопик моддалар учун

асосан ҳар хил концентрацияли этил спирти ишлатилади. Препаратнинг гигроскопиклик хоссаси қанча юқори бўлса, спиртнинг қуввати ҳам шунча юқори бўлиши керак [18,45,56,58].

Боғловчи моддаларнинг самарадорлиги унинг қовушқоклигига эмас, балки молекуляр массасининг катталигига ва молекула тузилишига боғлиқ. Шунинг учун крахмал шилимшигининг юқори концентрацияси етарли қовушқокликка эга бўлишига қарамасдан кичик молекуляр массали бўлганлиги учун боғлаш қобилияти юқори эмас. Катта молекуляр массага ва чизиксимон тузилишга эга бўлган моддалар нисбатан юқори боғлаш қобилиятига эга. Бундай хусусиятга эга бўлган моддаларга молекуляр массаси 500 ва ундан ортиқ бўлган моддалар киради. Сунъий ва табиий полимерлар, шу нуқтаи назардан боғлаш фаоллиги бўйича қуйидагича жойлашади: МЦ, ОПМЦ, Na КМЦ, ПВП, желатин, крахмал шилимшиги, УАП, n-КМЦ. Умуман, юқори таранглик хусусиятига эга бўлган моддалар учун боғлаш кучи катта бўлган МЦ, ОПМЦ, КМЦ, ПВС, ВРАЦ ишлатиш мақсадга мувофиқ, ўрта тарангликка эга бўлган ёки қайишқоклик хусусиятига эга бўлган моддалар учун боғлаш қобилияти ўртача фаол бўлганлари ишлатилади – крахмал шилимшиги, желатин эритмаси, УАП. Осон прессланадиган ёки қайишқок моддалар учун кам ёпишқокликка эга бўлган n-КМЦ, декстринни ишлатиш мумкин [45,56,67,114].

Говакловчи моддалар. Таблетка ишлаб чиқаришда прессланадиган массанинг пресслаш жараёнида говаклиги кескин камаяди. Бу эса таблеткаларнинг парчаланишига ва эришига салбий таъсир кўрсатади. Таблеткаларнинг суюқликда парчаланиши ёки таъсир қилувчи моддаларнинг эришини таъминлаш учун говакловчи моддалар ишлатилади. Таъсир қилиш механизми бўйича улар 4 гуруҳга бўлинади: шимиб-бўқувчи, газ ҳосил қилувчи, осон эрувчи ва гидрофилловчи.

1. Капилляр тармоқ ҳосил қилувчи – сувни шимиб, бўкиб шишувчиларга: пектин, агар-агар, калий ва натрий альгинат, амилопектин, ультраамилопектин, трагакант, крахмал, желатина ва бошқалар қиради.
2. Газ ҳосил қилувчиларга: натрий гидрокарбонати билан узум ёки лимон кислотасининг аралашмаси қиради. Ишлатишдаги камчиликларига индиферент эмаслиги, пресслаш жараёнида қатламланиб қолиши, таблетка массасининг ортиб кетишини келтиришимиз мумкин. Вишилловчи таблетка тайёрлашда улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.
3. Таблетка эришини яхшиловчи моддалар, яъни сувда осон эрийдиган канд, глюкоза, натрий хлорид тўлдирувчи сифатида ишлатилганда бир вақтда таблеткани эришига ёрдам беради.
4. Суюқлик билан мулоқотни яхшиловчи (гидрофилловчи) моддаларга маккажўхори, буғдой, картошка крахмаллари, сирт фаол моддалардан твин-80 (1% гача) ва бошқалар қиради [114,116].

Таблетка ишлаб чиқариш жараёнида ғовакловчи модда сифатида асосан крахмал кўп ишлатилади. Таблеткага қўшилаётган крахмалнинг умумий миқдорини ортиши билан, таблетканинг ғоваклиги ортиб, қаттиклиги камаяди, юқори гидрофиллиги туфайли таблеткага сув ўтиши яхшиланиб, парчаланиши тезлашади. Крахмални сувда эрмайдиган моддаларга кўшиб пресслаш мақсадга мувофиқдир. Турли навдаги крахмал самарадорлиги бўйича қуйидаги тартибда жойлашган: картошка-гуруч-маккажўхори-буғдой. Картошка крахмали энг яхши парчалантирувчи ҳисобланади, чунки дончаларининг сферик тузилиши кўп микроғоваклар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Буғдой ва макка жўхори крахмаллари икки босқичда чегараланган ҳолда бўқади, картошканики эса  $55^{\circ}\text{C}$  ҳароратда тез ва чегараланмаган миқдорда бўқади. Сувда яхши эрийдиган ва ишқорий, ишқорий ер металл тузларидан таблетка тайёрлашда крахмал парчалантирувчи сифатида самара бермайди.

Антифрикцион моддалар ўз навбатида сирпантирувчи ва мойловчи ёрдамчи моддалар гуруҳига турланади. Сирпантирувчи ва мойловчи моддалар прессланадиган массанинг сочилувчанлигини яхшилаш, бир меъёردа колипларга тушишини таъминлаш, таблетка қолип деворларига ёпишиб қолиши олдини олиш, яъни ички ва ташқи ишқаланишни камайтириш учун ишлатилади. Ички ишқаланишни камайтириш учун крахмал, ёғсизлантирилган сут кукуни, каолин, бентонит ва аэросиллар сирпантирувчи сифатида ишлатилади. Ташқи ишқаланишни камайтириш, прессланган таблеткани қолипдан осон итариб чиқиш учун стеарин кислотаси, унинг кальцийли ва магнийли тузлари, тальк, аэросил қўшилади. Картошка крахмали яхши сирпантирувчилар каторига киради, чунки унинг заррачалари сферик шаклда. Тальк, каолин, бентонитларни таблеткалар таркибига 3% гача қўшиш мумкин, аммо уларни ошқозон-ичак тармоғи аъзоларининг деворини китиклаши ва фаол субстанцияни ўз юзасига адсорбция қилиш хоссаси туфайли кам қўлланилади. Шунинг учун уларни ёғсизлантирилган сут кукуни, қуритилган крахмал упаси, аэросил, полиэтиленоксид ва ҳакозолар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ [113,114,116].

Таблетканинг мўътадил ўртача массасини белгилашда назарий томондан биринчи марта В.Г.Гандел таклиф этган усулдан фойдаланилади. Бу усулда бир хил стандарт шароитда ҳар хил ўртача массага эга бўлган таблетка кўл гидропрессидида прессланиб, уларнинг синишга бўлган каттиклиги аниқланилади. Кейин каттиклик индекси синишга бўлган таблетканинг каттиклигини шу таблетка массасига бўлган нисбати бўйича топилади. Бизнинг фикримизча таблеткага қўшиладиган ёрдамчи модданинг мўътадил миқдорини фақат В.Г.Гандел усули бўйича белгилаш ҳамма вақт ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки таблеткани синишга ва ишқаланишга бўлган каттиклиги ҳамма вақт ҳам бир бирига муносиб бўлавермайди.

Шу сабабли, бу йўналишда эълон қилинаётган илмий мақолаларда ёрдамчи моддалар уларнинг самарадорлиги, технологиясига ва иқтисодий томондан мақсадга мувофиқлигига қараб баҳоланиши лозим.

### **9. Таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш**

Таблеткаларнинг сифатига таъсир кўрсатадиган асосий физик - механик кўрсаткичларидан санишга бўлган каттиқлиги, парчаланиши ва таблетканинг ўртача массаси ҳисобланади.

**Таблетканинг ташқи кўриниши** қуролланмаган кўз билан кузатиб бажарилади. Таблеткалар бир хил кўринишда бўлиб, четлари синмаган, юзаси силлик, бир хил геометрик шаклга эга булиши лозим. Баъзи таблеткаларнинг юзасида ёзув ёки белгилар бўлиши мумкин. Таблетканинг диаметри 9 мм ва ундан катта бўлса ўртасида чизиқча бўлиши керак.

**Таблетканинг баландлиги ва диаметри** маълум мутаносибликда бўлиши керак, бу ТСТ 64-7-170-75 жадвали бўйича белгиланади. Бу мутаносиблик автоматик равишда қадоклашда муҳим аҳамиятга эга. Таблеткани баландлиги микрометр ёки штангциркул ёрдамида аниқланади.

**Таблеткаларнинг массасидаги фарқларини** аниқлашдан мақсад ҳар бир таблеткадаги дори моддасини дозасини бир хил бўлишини таъминлашдир. Таблетканинг ўртача оғирлигига таъсир кўрсатадиган омиллар қуйидагилар:

- хом ашёнинг сочилувчанлиги;
- сараланиш таркиби;
- преслаш ҳамда қолип столининг айланиш тезлигига;

XI ДФ бўйича массаси 0.1г гача бўлган таблеткалар учун ўртача оғирликдан четланиш  $\pm 10\%$ , 0.1 - 0.3 г гача бўлса  $\pm 7.5\%$ , 0.3 г ва ундан катта бўлса  $\pm 5\%$  ни ташкил этиши керак.

**Таблеткаларни қаттиқлигини аниқлаш.** Таблеткалар маълум бир қаттиқликка эга бўлиши керак, акс ҳолда ташиш вақтида синиб, бутунлиги йўқолиши мумкин. Таблеткаларни қаттиқлиги 2 хил кўрсаткич билан белгиланади: ишқаланишга бўлган ва синишга бўлган қаттиқлиги.

Таблеткани синишга бўлган қаттиқлигини бир қанча омилларга боғлиқ. Тўғридан - тўғри пресслаб таблетка олишда таблетканинг қаттиқлиги таркибидаги дори модданинг физик-кимёвий хоссасига боғлиқдир.

Нам донаторлаш усулида олинган таблетканинг қаттиқлиги ёрдамчи модда табиати ва миқдорига, пресслаш босимига ва прессланадиган массанинг намлигига боғлиқ. Қолдик намлик меъеридан кўп бўлса, прессланадиган масса пресс-инструментга ёпишиб қолади. Аксинча, намлик меъеридан кам бўлса, пресслаш жараёнида таблетканинг қаватланиши кузатилиб, синишга бўлган қаттиқлиги камайиб кетади.

Таблеткаларни ишқаланишга бўлган қаттиқлиги ҳар хил кўринишли асбоблар ёрдамида, асосан, дўмбирали ишқалагичда аниқланади.

Таблеткаларни ишқаланишга бўлган қаттиқлиги 97% дан кам бўлмаслиги керак.

Таблеткани синишга бўлган қаттиқлигини аниқлаш учун ҳар хил асбоблар таклиф этилган. Эзилиб майдалаш қаттиқлиги таблетка сифатини ҳар доим ҳам аниқ белгилай олмайди. Масалан: амидопирин, метионин, папазол таблеткаларида бу кўрсаткич 20 – 40 Н бўлса ҳам четлари тез уқаланади.

**Таблеткаларни парчаланишини аниқлаш.** XI ДФ кўрсатмасига биноан, бу кўрсаткич махсус асбоб – идентификатор ёрдамида аниқланади. Парчаланиш вақти XI ДФ нинг хусусий моддаларида кўрсатилган бўлиши керак. Агар бундай кўрсатма бўлмаса, у ҳолда таблеткалар 15 дақиқагача, қобиқланганлари 30 дақиқагача парчаланиши керак. Ичакда эрийдиган

таблеткалар 1 соатда 0,1 моль/л HCl да эримаслиги, pH=7,5-8,0 бўлган натрий гидрокарбонат эритмасига солинганда 1 соат ичида эриб кетиши керак.

**Таблеткаларнинг эришини аниқлаш.** Муайян шароитда маълум вақт ичида каттик дори туридан таъсир қилувчи модданинг эритмага ўтган миқдори таблеткаларнинг эриши дейилади. Эришни аниқлаш учун «айланадиган кажава» асбоби кўп ишлатилади. Дори турининг хар бир туркуми учун 5 та таблеткадан эритмага ўтган модда миқдори аниқланади, 45 дақиқа давомида сувда айланиш тезлиги дақиқасига 100 марта бўлганда таъсир қилувчи модданинг эриган миқдори дори туридаги дозага нисбатан 75% дан кам бўлмаса, туркум коникарли ҳисобланади.

**Таблетка таркибидаги таъсир қилувчи моддани аниқлаш.** Таблеткалардаги таъсир қилувчи модданинг бир хил тарқалишини текшириш учун 0.05 г ва ундан кам таъсир қилувчи моддаси бўлган таблеткалар, кобиклилари учун эса 0.01 г дан ва ундан кам бўлган таблеткалар олинади. 30 та таблетка олиниб таъсир қилувчи модда аниқланади. Бунда таблетка таркибидаги аниқланган модда фарқи  $\pm 15\%$  дан ошмаси керак. Агар 10 та таблетканинг 2 тасидаги фарқ  $\pm 15$  дан ортик бўлса, қолган 20 та таблеткада ҳам текшириш ўтказилади [9,17,31,30,32].

## ХУЛОСА

Ҳозирги вақтда вирус касалликларини даволаш учун бир қатор дори-дармонлар тавсия этилган. Вирус касалликларини даволашда ва профилактика қилишда яллиғланишга қарши, тана ҳароратини туширувчи, иммунофаолловчи ва вирусга қарши препаратлар асосида комплекс симптоматик терапиялар қўлланилмоқда. Адабиётларда келтирилишича, интерферонлар яллиғланишга қарши носпецифик фаолликка эга бўлган гликопротеинлар бўлиб, умуртқалилар ҳужайраларида синтезланувчи оксиллардир. ИФНлар кенг доирадаги табиий ва синтетик моддаларнинг индукцияси натижасида *in vitro* ва *in vivo* шароитида синтез бўлади. ИФНларни тадқиқ қилиш натижасида, уларнинг антипролифератив, вирусга қарши, иммуномодуловчи ва радиохимояловчи хусусиятлари аниқланган бўлиб, уларни таблетка ҳолида қабул қилинса вирус билан хасталанганлар организмида даволаниш ва реабилитация вақти қисқаради. Шуларга асосланиб, рометин субстанциясидан биосамарадор, турғун таблетка дори турини яратишни мақсадга мувофиқ деб топилган.

Адабиётлар таҳлилида прессланадиган массанинг технологик хоссаларини ўрганишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилган, шунингдек таблетка ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи моддаларнинг прессланадиган масса ва таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларига таъсири ҳақида ҳар томонлама маълумотлар келтирилган. Таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари ва биосамарадорлигига ташқи муҳит, қолдиқ намлик ва қадокланадиган материалларнинг таъсири ҳар томонлама далиллар билан ёритилган. Таблеткаларнинг биосамарадорлигига фармацевтик омиллардан субстанцияларнинг физик-кимёвий ҳолати, ёрдамчи моддаларнинг тури, дори тури ва юбориш усуллари ҳамда технологик жараённинг таъсири мисоллар орқали баён этилган. Таблетка дори турини маълум муддат оралиғида сифатини таъминлай оладиган қадокловчи материал турини ва сақланиш шароитини тўғри танлаш фармацевтик технологиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади.



## ТАЖРИБА ҚИСМИ

### II БОБ. “РОМЕТИН” ТАБЛЕТКАСИНИНГ МЎТАДИЛ ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

#### 1. “Рометин” субстанцияси ва ишлатилган ёрдамчи моддалар тавсифи

**Рометин** субстанциясининг тавсифи. Рометин мегасиннинг поливинилпирролидон билан ҳосил қилган комплекс бирикмаси.

Рометин (N-поливинилпирролидоннинг 2,2'-{[(7,7',8,8'-тетрагидро-1,1',6,6'-тетрагидрокси-5,5'-диизопропил-3,3'-диметил-7,7'-диоксо)-2,2'-бинафтил]-8,8'-метиленимино}-этансульфокислотасининг динатрийли тузи билан ҳосил қилган комплекси)



“Рометин” фаол субстанцияси аморф кукун бўлиб, ташкий кўриниши бўйича сарик ёки тўқ сарик рангга эга, хидсиз, гигроскопик хоссага эга. Сувда 95% этил спиртида ва диметилсульфоксидда эрийди, ацетонда умуман эрмайди.

#### Фойдаланилган дори ва ёрдамчи моддалар тавсифи.

Тиббиёт амалиётида ишлатишга руҳсат этилган қуйидаги дори ва ёрдамчи моддалардан (боғловчи, ғовакловчи, мойловчи ва сирпантирувчи) «Ремантадин–ПС» таблеткасининг мўтадил таркиби ва технологиясини яратишда фойдаланилди.

- Рометин фаол субстанцияси.....(ФМ 42--)
- Тозаланган сув.....ФМ 72-2619-89

- Этил спирти.....ФМ 42-77-72
- Метилцеллюлоза (МЦ, марка 100).....ТШ 6-01-717-72
- Микрокристаллик целлюлоза  
«Интроцел» (МКЦ).....ТШ Уз 42-0002-96
- Микрокристаллик целлюлоза  
(МКЦ “пахта целлюлозаси”).....ТШ 88.2-6:2000
- Кальций карбонат.....ФМ 42-77-72
- Картошка крахмали.....ДСТ 76-99-78
- Кальций стеарат .....ТШ 609-42-33-76
- Магний стерат.....ТШ 609-129-75
- Стеарин кислота.....ДСТ 94-19-78
- Аэросил .....ТШ 7-03-485-81
- Тальк .....ДСТ 8-79-52

## 2. “Рометин” субстанциясининг физик кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш

“Рометин” таблетка дори турининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида субстанциянинг физик - кимёвий ва технологик хоссалари адабиётларда келтирилган усуллар ва асбоб-ускуналар ёрдамида ўрганилди [32,110,112].

Фракцион таркибни аниқлаш. Субстанциянинг ва прессланадиган массаларнинг фракцион таркиби XI ДФ да келтирилган усул бўйича аниқланди. Бунинг учун 100 г масса тешигининг диаметри 2500, 1000, 500, 315, 50 мкм бўлган элаклар йнгиндисининг энг юқорисидагига солиниб, «Эрвека» фирмасининг виброқурилмасига 5 дақиқага (36 рад/с тезликда) кўйилади. Белгиланган вақт ўтгач, элаклар 1 дақиқага қолдирилди ва қопқоғи очилиб, ҳар бир элакдаги масса алоҳида - алоҳида 0,01 г аниқликда тортилади. Олинган натижалар 2.2-жадвалда келтирилган бўлиб, унинг кўрсатишича “Рометин” субстанциясининг асосий қисмини 1000-500 мкм бўлган (82,9%) заррачалар ташкил этади. Бу натижалар сифатли таблетка олиш учун субстанцияни олдиндан майдалаш ва тешигининг диаметри 150 мкм ли элак орқали ўтказишни тақозо этади. Шунингдек, масса таркибига ёрдамчи моддалар қўшиш ва нам донадорлаш технологиясини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди[45].

Сочилувчанлик ва табиий оғиш бурчагини аниқлаш. Сочилувчанлик таблетка технологиясини яратишда аниқланадиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сочилувчанлик қуқун заррачаларининг шакли, ўлчами, сочилувчан зичлиги, қолдиқ намлиги ва заррачаларнинг электрланиш хоссасига узвий боғлиқ бўлади. Субстанцияларнинг сочилувчанлигига қараб дозалар аниқлиги, таблетка машиналарининг ишлаш меъёри ва тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини олдиндан белгилаш мумкин. Табиий оғиш бурчаги эса қуқунларнинг сочилувчанлик хоссасини ифодалаб, заррачаларнинг ички ишқаланишини белгилайди. Прессланадиган массанинг

табiiй огиш бурчак киймати қанчалик кичик бўлса, модданинг сочилувчанлиги шунчалик яхши бўлади. Субстанциянинг сочилувчанлиги ва табiiй огиш бурчаги ВП-12 А асбобида аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган бўлиб, “Рометин” субстанцияси коникарсиз сочилувчанлик хоссасини намоён этди. “Рометин” кукунининг коникарсиз сочилувчанлигини, унинг гигроскопиклиги ҳисобига заррачаларнинг конгломерат ҳосил қилишга мойиллиги билан тушунтириш мумкин[45,47].

Сочилувчан зичликни аниқлаш. Сочилувчан зичлик кукунлар массасининг эгаллаган ҳажмига нисбати бўлиб, моддаларнинг ҳажмий хоссасини белгилайди. Бу кўрсаткич ишлатиладиган қолип ҳажми, таблетка массасининг доимийлиги, ишлатиладиган ёрдамчи моддалар турини олдиндан белгилашга ёрдам беради. Сочилувчан зичлик модда заррачаларининг шакли ва ўлчами, ғовақлиги ҳамда намлигига боғлиқ бўлади. Субстанциянинг сочилувчан зичлиги 545-АК-3 асбобида аниқланди ва натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Субстанциянинг прессланувчанлигини аниқлаш. Фармацевтик технологияда таблеткалар сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида таъсир этувчи моддаларни, прессланадиган массаларни прессланувчанлик хоссалари ўрганилади. Босим кучи таъсирида заррачалар ўзаро бирлашиб, яъни электромагнит табиатли кучлар таъсири ва заррачаларнинг бир-бирига механик кириб бориши натижасида мустаҳкам, ихчам буюм ҳосил бўлиши прессланувчанликдир. У боғловчи модда тури ва концентрациясини тўғри танлашга асос бўлиб хизмат қилади. Субстанциянинг прессланувчанлиги таблетканинг санишга бўлган қаттиқлиги орқали ифодаланади. Таблетканинг санишга бўлган қаттиқлиги эса «Эрвека» фирмасининг асбоби ёрдамида аниқланади ва Ньютон (Н) билан ифодаланади (1-жадвал).

“Рометин” субстанциясидан тайёрланган андоза таблетканинг санишга бўлган қаттиқлиги 100 Н ни ташкил этди.

Зичланиш коэффициентини аниқлаш. Қолипдаги қуқун баландлигининг олинган таблетка баландлигига нисбати зичланиш коэффициенти бўлиб, заррачаларнинг шакли, ўлчами ва фракцион таркибига узвий боғлиқ бўлади. “Рометин” субстанциясининг зичланиш коэффициенти 3,2 ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

**“Рометин” субстанциясининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
1	Фракцион таркиб, мкм:		
	+2500		11,2
	-2500 +1000	%	66,4
	-1000 +500		14,5
	-500 +250		5,6
	-250 +150		2,3
	-150		-
3	Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	310
4	Сочилувчанлик	10 <sup>-3</sup> кг/с	2,4
5	Табиий оғиш бурчаги	градус	62
6	Прессланувчанлик	Н	90
7	Зичланиш коэффициенти	-	3,2

8	Қолдик намлик, 70 <sup>0</sup> С	%	5,8
---	----------------------------------	---	-----

Олиб борилган тажриба натижалари “Рометин” субстанцияси коникарсиз фракцион таркиб, сочилувчанлик, табиий оғиш бурчаги ва сочилувчан зичлигини намоён этишини кўрсатади. Бу эса илмий жиҳатдан асосланган ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини танлаш, нам дондорлаш усулини қўллаб таблетка олишни тақозо этади[45,47,53,54,60].

### 3. “Рометин” таблеткасининг мўтадил таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш

Маълумки таблетка дори турлари технологиясини яратиш борасида турли гуруҳларга оид бўлган ёрдамчи моддаларнинг ҳар хил турларини турли миқдорда қўллаб тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба натижаларига асосан оптимал таркиб ва мақсадга мувофиқ бўлган технологияни танлаб олиш қўлланилади.

Ишимизнинг кейинги босқичи таблетка таркибига қўшиладиган мақсадга мувофиқ ёрдамчи моддаларнинг тури ва миқдорини танлаш, ҳамда мўтадил технологияни ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, бунинг учун ёрдамчи моддалардан МКЦ “интроцел”, картошка крахмали, глюкоза, сахаразо, натрий гидрокарбонат, лимон кислотаси, МКЦ “пахта целлюлозаси”, кальций стеарат, магний стеарат, стеарин кислоталаридан фойдаланиб стандарт шароитда 6 хил таркиб тайёрланиб, боғловчи модда сифатида таблетка таркибига тозаланган сув, этил спирити, 3-5-7% крахмал шлимшиги, қанд қиёми, 2, 3% ли метил целлюлоза геллари иштирокида нам дондорлаш усули қўлланилиб таркиблар тайёрланди олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Нам донаторлаш усулида таблеткаларни тайёрлаш учун текширилган таркиблар

Компонентлар	Тозаланган сув, Этил спирти, 3, 5, 7 % крахмал шилимшиги, 64% канд киёми, 1, 2% МЦ гели.					
	№1	№2	№3	№4	№5	№6
Рометин фаол субстанция, г;	0,100	0,100	0,100	0,100	0,100	0,100
Микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) "Пахта целлюлозаси"	-	-	-	-	0,100	
Микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) "Итроцелл"	0,167	-	-	-	-	0,167
Лимон кислотаси, г;	-	0,0820	-	-	0,03	-
Натрий гидрокарбонати, г;	-	-	-	-	0,0673	-
Сут канди, г;	-	0,167	-	0,0568	-	-
Сахароза, г;	-	-	0,167	-	-	-
Картошка крахмали, г;	0,03	0,03	0,03	0,03	-	0,03

Кальций стеарати, г;	-	0,003	-	-	0,003	-
Стеарин кислотаси, г;	0,003	-	0,03	0,001	-	-
Магний стеарати, г;	-	-	-	-	-	0,003
Ўртача масса, г	0,300	0,300	0,300	0,300	0,300	0,300

Тайёрланган таркиблардан қўл гидропрессиди андоза таблеткалар тайёрланиб, улар ташки кўриниши, синишга бўлган каттиклиги, парчаланувчанлиги бўйича баҳоланди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики таблеткани нам дона дорлаш усулини қўллаб тайёрлашда боғловчи модда сифатида 96 % этил спиртини ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки тозаланган сув, турли хил концентрациядаги крахмал шилимшиғи ва метил целлюлоза геллари иштирокида тайёрланган таблеткалар ташқий кўриниши, каттиклиги ва парчланиши бўйича талабга жавоб бермади. Олиб борилган тажриба натижалари энг мақсадга мувофиқ боғловчи модда 96% ли этил спирти эканлигини кўрсатди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.


Ишимизнинг кейинги босқичида юқорида келтирилган ёрдамчи моддалар билан, 96% ли этил спирти иштирокида 6 хил таркиб бўйича прессланадиган масслар тайёрланди. Тайёрланган массалардан олинган андоза таблеткаларнинг сифати баҳоланди ва прессланадиган массаларнинг технологик хоссалари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган, ундан кўриниб турибдики нам донадорлаш усулини қўллаб тайёрланган пресслаландиган массаларнинг технологик хоссалари, субстанцияниқига нисбатан кескин ижобий томонга ўзгарган.

Боғловчи модда сифатида 96% ли этил спирти билан тайёрланган  
 “Рометин” прессланадиган массаларининг технологик хоссаларини  
 ўрганиш натижалари

Аниқланадиган кўрсаткичлар ва биров бирликлари	Олинган натижалар					
	№1	№2	№3	№4	№5	№6
Фракцион таркиб, ижм. %						
+ 1000	0,4	1,0	2,0	3,0	1,0	1,5
- 1000 + 500	19,6	24,0	28,3	30,5	23,2	31,5
- 500 + 315	35,3	25,5	31,9	33,8	29,0	30,8
- 315 + 250	20,0	23,4	18,3	15,5	23,0	13,8
- 250 + 100	7,7	10,7	7,6	8,3	9,9	10,3
- 100 + 50	4,0	6,5	4,9	2,0	6,4	7,1
- 50	13,0	8,9	7,0	6,9	7,5	5,0
Сочилувчанлик, $\text{с} \cdot 10^{-3}$	7,35	7,30	7,25	7,28	7,23	6,5
Табий оғиш бурчаги, град.	36,0	36,2	36,9	36,5	36,9	38,0
Сочилувчан зичлик, $\text{кг}/\text{м}^3$	686,9	686,0	670,0	678,0	667,0	660,0
Прессланувчанлик, Н	100	100	69	90	50	100
Зичланиш коэффициенти	2,54	2,49	2,55	2,3	2,1	2,28







1 – расм. “Рометин” таблеткасининг технологик жараён тасвири.

#### 4. “Рометин” таблеткасининг физик-механик кўрсаткичларини баҳолаш

Таблетканинг ташқи кўриниши, ўртача массаси ва ундан четланиши, баландлигининг диаметрига нисбати XI ДФ ва бошқа МХ кўрсатмасига мувофиқ текширилди [3,32,67]. Таблетканинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

**Ташқи кўриниши.** “Рометин” таблеткаси оч сарғиш рангли, холдор ясси цилиндрсимон шаклда бўлиб, ўртасида чизикчаси бор.

**Таблеткаларнинг ўртача массаси ва ундан четланиш.** Таблеткаларни ўртача массаси XI ДФ талабига биноан ўрганилди. Таблеткани ўртача массаси 0,275 - 0,325 г оралиғида бўлиши лозим. Ўртача массадан четланиш хар бир таблетка учун  $\pm 5\%$  ошмаслиги керак (ДФ XI, 2, 154 б).

**Парчаланиши.** Таблеткаларни парчаланиши XI ДФ талабига биноан баҳоланди. “Рометин” таблеткасининг парчаланиши 545-P-AK-7-«идентификатор» асбоби ёрдамида аникланди ва 5,0 дақиқа ичида бутунлай парчаланиб кетди [4,18,31,32].

**Ишқаланишга бўлган қаттиқлик.** Ишқаланишга бўлган қаттиқлик 97% дан кам бўлмаслиги керак. “Рометин” таблеткаси мазкур кўрсаткич бўйича XI ДФ талабига жавоб беради.

**Синишга бўлган қаттиқлик.** Таблеткаларнинг синишга бўлган қаттиқлиги Германиянинг «Erweka ТВН 30» русумли прессланувчанликни аниқлаш асбобида аникланди ва “Рометин” таблеткаси қаттиқлиги бўйича XI ДФ талабига жавоб беради [9,25,30].

“Рометин” таблеткасининг физик - механик кўрсаткичларини  
баҳолаш антижалари (n=5)

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Таблетканинг сифат кўрсаткичлари
1	Ташқи кўриниши		Оч сарик рангли холдор, ясси цилиндрсимон бўлиб, диаметри 9 ммли гардишли ва ўртасида чизикчаси бор
2	Ўртача массаси ва ундан четланиш	г, %	0,30±5
3	Баландлиги	мм	3,8
4	Парчаланиши	сония	300
5	Қаттиклиги :		
	- синишга	Н	70,
	- ишқаланишга	%	99,2

Жадвалдаг натижалардан кўриниб турибдики таклиф этилган таркиб ва технология асосида тайёрланган “Рометин” таблеткаларининг барча физик-механик кўрсаткичлари XI ДФ ва бошқа МХ лар талабига тўлиқ жавоб беради[3,4,5].

## Хулоса

“Рометин” субстанциясининг технологик хоссалари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилди. Субстанциянинг заррачалари анизодиаметрик гуруҳга мансуб бўлиб, бундай субстанциялар аралашмасидан тўғридан-тўғри пресслаб таблетка олиш имконияти кам бўлади. Бу эса таблетка таркибига ёрдамчи моддалар қўшиш ва нам донаторлаш усулидан фойдаланишни тақозо этади.

Субстанциянинг фракцион таркибини аниқлаш натижалари, уни олдиндан майдалаш ва тешигининг диаметри 150 мкм ли элакдан ўтказиш лозимлигини кўрсатди. Боғловчи, ғовакловчи ва антифрикцион моддаларнинг тури ва миқдори олиб борилган тажрибалар натижалари асосида белгиланди.

Тажрибалар давомида таблетка таркибига қўшилаётган ёрдамчи моддаларнинг мақсадга мувофиқ тури ва миқдори танлаб олинди. “Рометин” таблеткасининг илмий асосланган таркиби танланди ва мақсадга мувофиқ технологияси ишлаб чиқилди.

Прессланаётган массанинг технологик хоссалари ўрганилиб, ўрганилган технологик кўрсаткичлар асосида “Рометин” таблеткасининг мўътадил таркиби ва технологияси тақлиф этилди.

Тақлиф этилган таркиб ва технология асосида тайёрланган “Рометин” таблеткаси барча физик-механик кўрсаткичлари бўйича ХI ДФ ва бошқа таблетка дори шакллари учун мўлжалланган МХ талабларига тўла жавоб бериши тажрибалар орқали исботланди.

### III БОБ. “РОМЕТИН” ТАБЛЕТКАСИНИ СТАНДАРТЛАШ, БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИНИ ВА ТУРГУНЛИГИНИ ЎРГАНИШ

#### 1. “Рометин” таблеткасини стандартлаш

“Рометин” таблеткасини стандартлаш ТСТ TSt 42-01:2002 «Дори воситалар сифатини стандартлаш. “Асосий коидалар” йўриқномаси ва XI ДФ асосида олиб борилди. Бунга асосан таблетка дори тури куйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади: ташқи кўриниши, чинлиги, ўртача массаси ва ундан четланиши, эрувчанлиги, парчаланувчанлиги, ишқаланишга бўлган каттиклиги, микробиологик тозаллиги ва миқдорий таҳлили. [3,4,5].

#### “Рометин” таблеткасининг чинлигини аниқлаш.

Дори препаратларининг чинлигини аниқлашда махсус сифат реакциялари, хроматография, спектроскопия ва бошқа усуллар кенг қўлланилади.

Ташқи кўриниши ясси цилиндрсимон думалоқ шаклдаги оч сарғиш рангдан оч жигарранг, холдор, ўртасида чизикчаси бор таблеткалар. Ташқи кўриниш бўйича XI ДФ, нашр.2, 154 бет., талабларига жавоб бериши керак

Чинлиги. 0,1 г майдаланган таблеткалар кукунига 2-3 томчи концентранган сульфат кислотаси қўшилганда, оч сарик ранг хосил бўлиб, аста секин қизил рангга ўтади (госипол).

0,1 г майдаланган таблеткаларнинг 2 мл ацетон-сув (3:1) суспензиясига 2 томчи темир хлорид оксидининг спиртли эритмаси қўшилганда жигарранг хосил бўлади (феноль гидроксиллари).

Ўт моддалар. ЮКХ – хроматография усулли. 0,4 г майдаланган таблетка кукуни 10 мл ацетон-сув (3:1) аралашмаси билан 10 дақиқа яхшилаб чайқатилиб, “кўк лента” фильтри орқали филтрланади. На линию старта хроматографической пластинки Силуфол УФ-254 ўлчами 5x15 см ли хроматографик пластинкасининг старт чизигига бир биридан 3 см оралиғида

0,005 мл (50 мкг) олинган фильтрат пуркалади 0,01 мл (100 мкг) рометин стандарт ишчи намуна эритмаси. Пластинкани қуримасдан ацетон-эфир (5:2) аралашмасидан иборат эритувчилар билан тўйинтирилган хроматографик камерага жойлаштирилади (камера олдиндан эритувчиларнинг буғи билан тўйинтирилган бўлиши лозим). Эритувчиларнинг фронт нуқтаси пластинканинг охирига борганда хроматографик пластинкани камерадан чиқазиб хавода 30 дақиқа давомида қуритилади. Хроматограммада текшириляётган препаратнинг бита доғи, рометиннинг стандарт ишчи намуна эритмаси чегарасида ҳосил бўлиши керак. [3,4,59].

Микробиологик тозаллиги. Препарат ГФ XI, нашр.2, бет.193 ва 29.09.2005 йилдаги №2 ўзгартирилишлар, категория 3.2. талаабларига жавоб бериши керак. [6].

## **2. “Рометин” таблеткасининг миқдорий таҳлил усули**

Спектрофотометрия усули – кўп дори моддаларини таркибидаги биофаол моддаларни чинлигини, тузилишини ва миқдорини аниқлашда кенг қўлланилади. Спектрофотометрия усулида рангли ҳамда рангсиз бирикмаларни кўзга кўринидиган, УБ ва ИҚ спектр соҳасида монохроматик нур ютиш кўрсаткичларини аниқлашда спекторфотометрлар қўлланилади.

Рометин таблеткасининг миқдорий таҳлили. 0,4 г (аниқ тортма) майдаланган таблеткалар қуқуни ҳажми 50 мл ли қолбага солиниб, 20 мл ацетон-сув (3:1 нисбатда) аралашмаси қўшилиб 15-20 дақиқа чайқатилади, эритма ҳажми ацетон-сув (3:1 нисбатда) аралашмаси билан белгисигача етказилиб, аралаштирилади ва фильтр “кўк лента” орқали филтрланади. Бошланғич 10 мл фильтрат ташлаб юборилади (эритма А). 5,0 мл А эритмасидан ҳажми 100 мл ли қолбага ўтказилади ва ацетон-сув (3:1 нисбатда) аралашмаси билан белгисигача етказилиб аралаштирилади (эритма Б). Спектрофотометрда эритма Б оптик зичлиги 404 нм тўлқин узунлигида, деворининг қалинлиги 10 мм ли қюветада ўлчанади, солиштирувчи эритма

сифатида ацетон-сув (3:1) аралашмасидан фойдаланилади. Параллел равишда рометин ишчи стандарт намуна эритмасининг оптик зичлиги ўлчанади. [2,3,4].

Рометиннинг (X) битта таблеткадаги грамм миқдори, қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 \cdot 0,0001 \cdot 50 \cdot 100 \cdot v}{D_0 \cdot m \cdot 5} = \frac{D_1 \cdot v \cdot 0,1}{D_0 \cdot m}$$

Бунда:  $D_1$  – текширилаётган эритманинг оптик зичлиги

$D_0$  – Рометин ишчи стандарт намуна эритмасининг оптик зичлиги

$m$  – препарат тртмасининг массаси, граммда;

$v$  – таблетканинг ўртача массаси, граммда.

Битта таблетканинг ўртача массасига ҳисобланганда,  $C_{34}H_{38}N_2O_{14}S_2Na_2 \cdot (C_6H_9NO)_n$  рометиннинг таблеткадаги миқдори 0,095 дан 0,105 г оралигида бўлиши керак.

**Эслатма: Рометин ишчи стандарт намуна эритмасини тайёрлаш.** 0,1000 г дойимий оғирликчадан куритилган рометинни ацетон-сув (3:1) арлашмаси билан ҳажми 50 мл колбада эритилиб, арлаштирилади ва ацетон-сув (3:1) арлашмаси билан белгисигача етказилади. 5,0 мл ҳосил бўлган эритмадан ҳажми 100 мл ли колбага ўтказиб, ацетон-сув (3:1) арлашмаси билан белгисигача етказилади ва арлаштирилади.

1 мл ишчи стандарт намуна эритмаси 0,0001 г рометин сақлайди.

**“Рометин” таблеткаси таркибидаги фаол модданинг микдорий таҳлил натижалари**

№	Белгиланган микдор, г	Олинган натижалар, г	Четланиш, %
Рометин			
1	0,100	0,098	-2,0
2	0,100	0,0981	-1,9
3	0,100	0,0983	-1,7
4	0,100	0,09836	-1,64
5	0,100	0,0984	-1,6

**Метрологик тавсиф**

N	F	$\bar{X}$	S	$S^2$	$S_x$	P	$\Delta X$	$\Delta \bar{X}$	E	$\bar{E}$
5	4	0,091	0,00028	0,000000078	0,0001250	95	0,00077	0,00034	1,56	0,69

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, рометиннинг ўртача квадратик хатолик даражаси 0,69% дан ошмади.

### 3. “Рометин” таблеткасининг биосамарадорлигини «in vitro» тажрибаларида ўрганиш

Биосамарадорлик - дори воситаларининг энг мухим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади [30]. Дориларнинг биосамарадорлиги негизида «in vivo» ҳамда «in vitro» усуллари ётади. Ишлаб чиқариш амалиётида қўллаш мумкин бўлган ва ҳозирги вақтда ССВ томонидан инструментал усул ҳисобланган «in vitro» усули тавсия этилган. «In vitro» усули асосида тайёр дори воситасидан биофаол моддани эритувчи муҳитга ажралиб чиқиши ва ошқозон-ичак тармоғида сўрилиши ётади. Европа ва АҚШ фармакопояларида каттик дори турларини эриш тестини аниқлаш учун «айланадиган куракча» асбоби тавсия этилган [23,101,102].

Таклиф этилган таблеткаларнинг биосамарадорлигини баҳолаш мақсадида Erweka DT 80 (Германия) асбобидан фойдаланган ҳолда эриш тести ишлаб чиқилди.

Эриш шароитини танлаш. Эритувчи муҳит таблетка таркибидаги таъсир этувчи модданинг физик-кимёвий хоссаси ва таблеткани ошқозон-ичак тармоғида эриш жойи белгиланган ҳолда танланади. Таблеткаларни “эриш тестини” ишлаб чиқишда тозаланган сув ёки маълум рН га эга эритувчилар, ошқозон ёки ичак ширалари қўлланилади. Эритувчини танлашдаги дастлабки тажрибаларда биз тозаланган сув (рН 5,8), хлорид кислотасининг 0,1 моль/л ли эритмаси, фосфат буфер эритмаси (рН 7,3) дан фойдаландик. Эритмалар XI ДФ талаби бўйича тайёрланди. Бунда субстанцияларни сув ва спиртда эришини ҳисобга олган ҳолда эритувчи сифатида тозаланган сув танланди. “Рометин” таблеткаси учун эриш тести шароити қуйидагича танланди: эрувчанлигини анклаш учун АҚШ фармакопоясида (USP 23, page 453) келтирилган “айланадиган куракча” асбобдан фойдаланилди, таблеткаларни эриш тестини ишлаб чиқишда эритувчи муҳит сифатида 37°C ҳароратдаги,

ҳажми 300 мл тозаланган сув, куракчани айланиш тезлиги – 200 айл/дақиқа бўлиб, эриш вақти 45 дақиқадан иборат. [30,31]

Асбобнинг ўлчов идишига иккита таблетка жойлаштирилади. 45 дақиқадан сўнг 10 мл намуна олиниб, ҳажми 50 мл ли колбага ўтказилади, колбадаги эритманинг ҳажми диметилсульфоксид билан белгисигачан етказилиб, аралаштирилади ва 10-15 дақиқага қолдирилади. Ҳосил бўлган эритмани (ДСТ 12026-76) коғоз фильтри орқали филтрланади. Филтрланган эритманинг биринчи порцияси ташлаб юборилади. Сўнгра филтратнинг оптик зичлиги 300 нм тўлқин узунлигида, деворининг калинлиги 10 мм ли кюветада ўлчанади.

Назорат эритмаси сифатида диметилсульфоксиднинг сув билан 4:1 нисбатдаги аралашмасидан фойдаланилади. Параллель равишда Рометиннинг ишчи стандарт намуна эритмасининг оптик зичлиги ўлчанади.

Эритувчи (X) муҳитга ажралиб ўтган рометиннинг миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 \cdot 300 \cdot 50 \cdot a \cdot 100}{D_0 \cdot 10 \cdot 100 \cdot m \cdot 2} = \frac{D_1 \cdot a \cdot 1500}{D_0 \cdot m \cdot 2};$$

Бунда:  $D_1$ - аналанаётган эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$ -рометиннинг ишчи стандарт намуна эритмасининг оптик зичлиги;

$a$ -рометиннинг ишчи стандарт намуна эритмаси тортмаси, граммда;

$m$ - битта таблеткадаги рометин миқдори, граммда.

Эритувчи муҳитга 45 дақиқадан сўнг камида 75% рометин ажралиб ўтиши керак. Таҷриба натижалари 45 дақиқадан сўнг эритувчи муҳитга 90% рометин ажралиб чиканлигини кўрсатди. [59].

**Эслатма: Рометин ишчи стандарт намуна эритмасини тайёрлаш.** 0,2 г (аниқ тортма), олдиндан яхшилаб майдаланган рометин ҳажми 100 мл колбага ўтказилиб 20 мл тозаланган сув қўшилади ва доимий аралаштирилиб турган

холатда тўлик эриб кетгунча кичик порцияларда диметилсульфоксид белгисига етгунча кўшилади. 1 мл ишчи стандарт намуна эритмаси 0,0002 г рометин саклайди.

Диметилсульфоксид биринчилардан бири бўлиши билан кўпгина муаммоларга дуч келиши мумкин. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак.

Диметилсульфоксиднинг кўпгина муаммолари Рометин ва Метилформин билан унинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак. Диметилсульфоксиднинг кўпгина муаммолари Рометин ва Метилформин билан унинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак.

Д. Рометин препаратларида диметилсульфоксиднинг эришиши ҳақида

Диметилсульфоксиднинг кўпгина муаммолари Рометин ва Метилформин билан унинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак. Диметилсульфоксиднинг кўпгина муаммолари Рометин ва Метилформин билан унинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак.

Диметилсульфоксиднинг кўпгина муаммолари Рометин ва Метилформин билан унинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак. Диметилсульфоксиднинг кўпгина муаммолари Рометин ва Метилформин билан унинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал қилишнинг усуллари ҳақида кўриб боришимиз керак.

6-қўшимча

Препаратларнинг сифатини баҳолашда диметилсульфоксиднинг

Препарат	Микдор мг/мл	Ҳал қилиниши санага қарата, %	Қиёсийлик даражаси (ПТД)
Глицерин	100	80	1,1
Метилформин	100	100	1,10
Рометин	100	100	1,00
Метилформин	100	100	1,00

#### 4. Рометин таблеткасининг фармакологик таъсирини ўрганиш.

##### I. Препаратнинг хужайраларга таъсирини ўрганиш.

Танлаб олинган бирикмаларнинг товук эмбриони тери хужайра культурасига захарли таъсири назорат моддаларга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги, хужайра морфологиясини микроскопда кузатиш билан аниқланади.

Олинган натижалардан маълум бўлишича, Рометин ва Мегоферон ҳам сувда эриши мумкин бўлган миқдорларда хужайра культурасининг монокатламига берилганда захарли таъсир кўрсатмади. Шунга кўра, Рометин моддасининг захарли таъсири назорат модда Госсиполга нисбатан 25 баробарга, Мегоферон препаратининг захарли таъсири эса 20 баробаргача камайганлиги аниқланди. [38].

##### II. Рометин препаратининг сичқон организмга таъсирини ўрганиш

Айни пайтда, янги препаратларининг сичқон организмга бўлган захарли таъсирини ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилган бўлиб, бу маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, Рометин ва Мегоферон препаратларининг сичқон организмга бўлган захарлилиги, тиббий амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган миқдорларда сезилмади.

Мегосин сичқон организмга 200 мг\кг миқдорда берилганда тирик қолган хайвонлар сони 20% га камайган бўлса, Рометин препаратининг организмга захарли таъсири 2000 мг\кг миқдорда, ҳамда Мегофероннинг 1600 мг\кг миқдорларида ҳам бундай таъсири сезилмади. Шунингдек кимётерапевтик индекси (КТИ) ҳам назорат модда Мегосин ва Госсиполга нисбатан мос равишда 10-25 баробарга ошиши аниқланди. [25,26,34,81].

#### 6-жадвал

##### Препаратларнинг сичқон организмга захарлилигини аниқлаш

Препарат	Миқдори, мг\кг	Сичқонларнинг тирик қолиши, %	Кимётерапевтик индекси (КТИ)
Госсипол	150	40	3,7
Мегосин	100	100	>10
	200	80	
